



360



Күшдай учиб қучогингдан дунё кездим,
Қанға олис кетсам шунча қадринг сездим.
Кезиб-кезиб топғанларым Соғинч бўлди,
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қора қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а!..



ШЕЬРИЯТ БЎСТОНИ

Мухаммад Йосуф

**ЎЗИНГДАН
ҚЎЙМАСИН,
ХАЛКИМ**

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти
Тошкент - 2000

Ў12
10 91

Мухаррир: Жонибек СУБХОН

Юсуф, Мухаммзд.
Ўзингдан кўймасин, халқим: Шеърлар.—Т.^
Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр.,
2000.-104 6.

Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф — том маънода халқчил ижодкор. Унинг асарларида миллий рух, халқона фалсафа, она тилимиз жилолари, самимият ва мухаббат балқиб туради. Унинг шеърлари халқ ва Ватан >чун ўта кириб, сув кечишига тайёрdir. Қолган гапларни шоир шеърларининг ўзи айтсин.

Уз2

тп, 4702620202 - 20
M352(04) - 2000 режага қўшимча - 2000

18ВК 5-635-01846-7

© Мухаммад Юсуф, Ғафур
Ғулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриёти, 2000 й.

ҮЗИНГДАН ҚҮЙМАСИН, ХАЛҚИМ!

Күшдай учиб күчөнгідан дунё кездим,
Канча олис кетсам шунча қадринг сездим.
Кезиб-кезиб топғанларим Соғинч бўлди,
Кайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қора қошу қўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а!..

Бирор учун бирорлар туш кўриб бермас,
Миннат қилмай бир боғ ўтин ўриб бермас.
Байрамингда ойлаб базм қилган каслар
Бошингга иш тушса бир кун туриб бермас.
Номус куйи тушмасин ҳеч бўғзингдан-а,
Ўзингдан айланай, халқим, ўзингдан-а!..

Эрк водийси — захматларга сийловдир бу,
Той қоқилиб от бўлгувчи яйловдир бу.
Ранж чекмасанг нурли-нурли тонглар кайда,
Синовдир бу, балки буюк синовдир бу.
Бош кетса ҳам қайтма энди сўзингдан-а,
Ўзингдан айланай, халқим, ўзингдан-а!..

Болдан ширин татир кора буғдойинг ҳам,
Ўзингдан бўлса гар шоҳу гадойинг ҳам.
Бир тану жон бир-бирингдан рози юрсанг,
Пайғамбар ҳам сендан рози, худойим ҳам.
Гоҳи ипак, гоҳи яктак бўзингдан-а,
Ўзингдан айланай, халқим, ўзингдан-а!..

Эр бошига иш тушса ўт кечгувчиидир,
Чидаймиз-да, бу захматлар ўткинчиидир.
Хурлигинг жақ — колган бари ўтаверсин,
Бу дунёда энг ёруғ баҳт — эл тинчиидир!..
Айримасин беминнат нон-тузингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а!..

ИФТИХОР

Ўзбекка ўхшатиш топмоқ муаммо,
Ўхшаса ўзига ўхшайди узбек.
Қиёси йўқ унинг, меҳри бир даре,
Дунёда болам деб яшайди узбек.

Бир қўлда беланчак, бир қўла Ўуръон,
Бир елкада кетмон, бирида иймон,
Барчага баробар бир офтобсимон,
Яшасин олам деб яшайди узбек.

Унта бўлса ўрни бошқа унинг-чун,
Ўелим — оташимда яралган учкун,
Қизим парилардан рухсори гулгун,
Юзлари лолам деб яшайди узбек.

Момолари тетик юзга кирса ҳам,
Боболари қайси йигитлардан кам.
Зурёдлари бўлса бир ховлига жам,
Тўшак етмай тўнин тўшайди узбек.

Эҳтиром этганга эҳромлари бор,
Кеккайганга бўйин эгмагай зинҳор,
Бешигида жажжи Исломлари бор —
Тот ўтмас қўрғонга ўхшайди узбек.

Мухаммад, ким бўлдинг, қиёсин топиб,
Ўхшаса, ўзига ўхшайди узбек.
Ёмон шеър ёзсанг ҳам бетингдан ўтиб,
Кам бўлма, болам, деб яшайди узбек...

БУЛБУЛ

Боғда булбул, овсарми, шўҳми,
Бахтлимисиз, дейди бир сахар...
Яшаган мен баҳтлими-йўқми,
Сенга нима қайну, баччағар.

Олифтага гуллар барг тўшаб,
Мадҳ айтганин бокмай илғайман.,.
Булбулвачча, мен сенга ўхшаб
Боғдан-боғта кўчиб юрмайман.

Сенга факат атиргул хамдам,
Тиллашасай чаман, боғ билан...
Бахтли эдим бир пайтлар мен хам
Ялангоёқ кизалоқ билан.

Сен англарсан қайдан бу ҳисни,
Ишқ ҳакса, эй, қўшини ёлғон.
Бепоён дашт ва ўша кизни
Кўмсар тўрғай юрагим хамон...

Чаманингга бўйлар аста куз,
Гулларинг ҳам тегди жонингга.
Патинг ёйиб, жанубингга суз,
Жўна ЭНДИ Хиндистонингга!

СЕВГИ САДОСИ

Гулым, мәхр күзда дегани ёлғон,
Менинг дилимда хеч ўчмас ёлқинсиз.
Канча күришмасак шунча кадрдон,
Канча олис бўлак — шунча якинсиз.

Девона ошикман, ман бир девона,
Айтинг, сиздан бўлак кимим бор яна?..
Сиз йўқ чоғимдаги дунем бегона,
Сиз йўқ боғимдаги гуллар ёқимсиз.

Сиз аччиқ қисматим, сиз изтиробим,
Сиз ширин дардимсиз, ширин азобим,
Сиз менинг кўклардан'топган офтобим,
Ерларда йўқотган кўзмунчоғимсиз.

Ёдимда кечаги шўхликларингиз,
Кўксимни куйдирган киприкларингиз,
Сиз ўша ^ орзузи ойдан ойдин қиз,
Сиз ўша — кулгуси кўнғироғимсиз.

Сиз ўша кўзимнинг кафтида юрган.
Сиз ўша кўнглимга кўнгли ин курган,
Тўкилай деб тилни учиди турган
Шеъримсиз, бир умр битмас охимсиз...

МЕХР ҚОЛУР

Үтар қанча йиллар түзони,
Юлдузлар — күзёши самони,
Үтар инсон яхши-ёмони,
Мехр қолур, мухаббат қолур.

Корачуғда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўща.
Дунёни тор айлаган ўша,
Мехр қолур, мухаббат қолур.

Анор, сенинг юзларинг сулув,
Хумор, сенинг күзларинг сулув,
Ёдда қолмас сүзларинг сулув,
Мехр қолур, мухаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тохир,
Зұхро йиғлаб қолди қон бағир.
Келганды хам қиёмат охир,
Мехр қолур, мухаббат қолур...

Нима дейсан, эй ғаюор инсон?
Фийбатларинг қилди мени кон.
Сен хам бир күн ўтурсан, инон,
Мехр қолур, мухаббат қолур!

ЎЗБЕКИСТОН

Ялпизлари

Қўкка туташ,
Тунлари зар,
Тонги маржон.
Юлдузлари — котган қүёш,
Қўшлари куйдирмажон.
Олтин тупрок,
Зумрад далам,
Ипак карвон,
Олмос қалъам,
Кузда кетган қушлари ҳам,
Баҳор қўмсаб қайтган айвон
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Дунё ичра

Тенгсиз дунё.

Зарчопон қалб,

Ялангтӯшим.

Қўли очик,

Мехри даре,

Мушти қаттиқ,

Кўнгли бўшим.

Ўғлига от бўлиб чўкиб,

Кизларига алла айтган,

Белбогига бории тўкиб,

Тўйга бориб тўймай қайтган,

О, болафеъл,

О, болажон —

Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Ўзини ўйламай-ўйлаб,
Фарзандини юрган "сиз"лаб,
Ўнга кирган боласига,
Сарпо йикқан,
Қаллик излаб.
Бизда шундай,
Борингии қўй —
Тўртга узбек тўпланса — тўй.
Номус учун,
Керак бўлса,
Жонингни ёқ,
Кўзингни ўй.
Соч топганинг,
Ёз дастурхон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Тўйда унут гина-араз,
Тўйхонага дўнар кишлок.
Шивирлаб хам айтилса бас,
Келаверар Одам тор-тоғ.

- Ким отлик,
Ким пиёдадир,
Ким қиска,
Ким зиёдадир.
Эшитгани келаверсин,
Тўй қиласиз дунёда бир.
Буёқ Водий,
Буёқ Сурхон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Тўйда яйран майдар боллар,
Тўйда тўлар тандирлар хам.
Тўйда —
Ўттиз яшар чоллар,
Йигирмада —

Кампирлар хам...
Жондек иссик нонлар ташиб,
Титраб кўллар,
Ёнар кўзлар,
Тўй баҳона дийдорлашиб,
Хурсанд бўйга етган кизлар.
Йигитчалар кезар султон!..
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

О, Ота юрт,
Она маскан,
Ўхшашингни топай қайдан,
Сен-ку менга зор эмассан,
Сенсиз қандай яшайи ман?..
Тилим ости —
Кулинг новвот,
Айирмасин ўчоғингдан,
Койиганда койи,
Факат,
К ^ ма мени кучоғингдан.
Сенсиз колмай
Зору ҳайрон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Ой тўлса хам
Шунча тўллар,
Кун туғса шу
Кунча бўллар,
Сенсиз икки қадам кўйсам,
Юрак куйиб кулча бўллар.
Қайда сендек вафоли ёр,
Қайда сендек танти диёр?
Сенга бир дил бердимми, бас.
Бу меҳрим ўлгунча бўллар.

Ўлганда ҳам ,
Ўзинг макон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Ялпизлари қўкка туташ,
Тупроғи зар,
Суви маржон.
Майизлари — қотган қўёш,
Куёшлари — куйдирмажон.
Олтин дала,
Олмос қაлья,
Ипак карвон,
Мовий бўстон,
О, отамдан колган қўрғон -
Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

ЎЗБЕКМОМО

Фаришталар файзи ётар юзларингдан,
Аrimасин қувонч энди, Ўзбекмомо.
Юрсанг офтоб эргашади изларингдан,
Офтоб бўлиб нур соч энди, Ўзбекмомо.

Келди қайтиб ёт юртлардан карвонларинг,
Қўнироғи кўксингдаги армонларинг.
Ўзингники ўзинг ёпган ширмонларинг —
Сенга тегмас қирмоch энди, Ўзбекмомо.

Саробларга сажда килдик етмиш йил биз,
Йўқ Ватанни ватан билдик етмиш йил биз.
Чин Ватаннинг пойларига чўкайлик тиз.
Sen йўл бошла, йўл оч энди, Ўзбекмомо.

Эй сен хикмат диёри, эй сирли бағир,
Не даҳога йўл кўрсатдинг ўзинг, ахир
Темурга ҳам алла айтган ўзинг, ахир,
Қайтар қалбга ишонч энди, Ўзбекмомо.

Озод юртда, обод юртда бор келажак,
Хур ўлкага мудом йўлдош, ёр келажак,
Ҳали не-не Алномишлар туғилажак,
Бахтинг бошга гултоj энди, Ўзбекмомо.

Тўкилмасин сочингдаги битта толанг,
Омон бўл сен, ОМОН бўлсин даштў даланг,
Чўпон боланг, дехкон боланг, сulton боланг
Кел, дуога қўл оч энди, Ўзбекмомо!..

ХАЛҚ БҮЛ, ЭЛИМ

Күдим юртга қайтсин қадим наволарим,
Күмлар босиб куrimасин дарёларим.
Алпомишга алла айтган момоларим,
Рухини щод этай десанг — халқ бўл, элим!..

Дунёга бок, қадди сендеқ ким бор яна,
Довруғи хам дарди сендеқ ким бор яна.
Халқ бўлишга ҳадди сендеқ ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг — халқ бўл, элим.

Сен тебратдинг бешигини Сохибкирон,
Сенинг боланг юлдузларга қўйган нарвон.
Бир майизни киркка бўлган бир тану жон
Кунларингга қайтай десанг — халқ бўл, элим.

Даре бўлиб жўшгин энди, завқи улуғ,
Байрамингда севинч қўз ёшингга қуллук,
Юртим деган жасур Юртбошингга қуллук,
Унга қанот бўлай десанг — халқ бўл, элим.

Бўлар элнинг болалари бир-бирин дер,
Бўлмас элнинг болалари бир-бирин ер,
Бир бўл энди, қадри баланд қаддингни кер,
Халқ бўл, элим, халқ бўл элим, халқ бўл, элим!

ОНАМГАХАТ

Мен сизни ўйлайман шому сахарда,
Она, соғинсам ҳам бора олмайман,
Тунлари чароғон шундай шахарда
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмайман.

Мен сиз айтгандин ҳаммани севдим,
Ҳаммага ишондим, мана оқибат:
Ўз дўстим уйига кўмилди севгим,
Кун бўлиб кўксимни куйдирди нафрат.

Бошимдан ўтгани кўкка ҳам аён,
Юлдузлар кикирлаб кулар оқбадан:
Мен — зангор яйловда олис, бепоён,
Үюридан ажраб қолган қулумнан...

Мана, кетаяпман, тош йўлда кўзим,
Қадамим мошинлар йўрғасига мое.
Йиғласам юпатиб ўзимни ўзим,
Пишкириб кўяман тойчокларга хос.

Ва сизни ўйлайман шому сахарда,
Она, соғинсам ҳам бора олмасдан.
Тунлари чароғон шундай шахарда
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмасман...

Ҳа, севги ҳакида. У дилга не зеб,
Куйинманг, не илож килмаса насиб.
Бахтимга ҳамиша Сиз соғ бўлинг деб,
Софинган ўғлингиз — Мухаммад Юсуф.

Шеърият,
Эй, бевафо санам!
Күлларингдан маҳкам тутарман,
Сендан ҳар нарсани кутарман,
Сен бир малхам,
Сен бир ширин ғам...

Сен борсанки — захматларим бор;
Бу дунёда орттирган зорим —
Ухламай кон ютган кунларим
Учун сенга раҳматларим бор!

Остонангда итинг — хаёлим:
Йўлинг пойлаб ўтгайман сенинг.
Сен кўқда қўл етмас хилолим.

Рухим кўкда,
Тупроқда танам,
Бағримни тилкалар бир оғриқ,
Энди баҳтим ўзингга боғлиқ —
Шеърият, эй бағритош санам!..

Хүрсинасан билдирмай,
 Ўксинасан, ииғлайсан.
 Юлдуз тўла бу окшом
 Сен сўрвда ухлайсан.

Юлдуз тўла бу окшом,
 Онанг хурсанд ўйлади.
 Қайсар кизим, энди чин
 Кўникканга ўхшайди...

Шовулламанг, боёлар, ҳей,
 Бунда бир киз ухлайди,
 Ухлайдию ўзи жим,
 Кўнглига кил сифмайди.

Шоҳ силкинар, кўксига
 Япроқ тўкар, билмайди.
 Бир ғам ўртар бағрини,
 Ииғламайди, кулмайди.

Бу оғриқ на дўстлик, на
 Мухабатга ўхшайди...
 Киз кўйнида бир сурат —
 Мухаммадга ўхшайди.

ЖАЙРОН

Кон йиғлатди қайси бағритош,
Жайрон, нега күзинг тұла ёш?
Оёғингта күйіб ётай бош,
Жайрон нега күзинг тұла ёш?..

Юрак конинг түкілган сүкмок —
Бағри алвон лолақызғалдок.
Сенга тошлар отди қай гумрох,
Жайрон, нега күзинг тұла ёш?..

Зор йиғладинг бунча ҳам, хайхот,
Менда ҳам бор сендаги сайёд.
Эй беозор, эй мүмин жонзот,
Жайрон, нега күзинг тұла ёш?..

Бу дунёнинг нокаслари бор,
Эзгуликни күролмайдилар.
Мени ҳам кон килдилар улар,
Жайрон, нега күзинг тұла ёш?..

Лабим билан яранг силайман,
Сенга дарди шифо тилайман,
Кел, туғищган оғанғ бұлай мен,
Жайрон, нега күзинг тұла ёш?

ОРЗУ

Түғилмасдан олдин мен
Чикиб арши альога,
Ойни ўтиб, қолдим мен
Юлдузлардаи балога.

Түғилгандан то шу дам,
Күмсаб кечә-кундузлар.
Ой кани, деб йиғласам,
Фийбат қиласар юлдузлар...

Хиқиллама, \еј юрак,
Дунё билан ишим йўқ,
Бўлса менга Ой керак,
Юлдузларга хушим йўқ!

МАКТУБ

Сеигилим,

Севгилим,

Оғрийди дилим.

Жоним оғрийверар сизни ўйласам.

Гулдай юзйнгизни силар энди ким,

Мени эслармисиз-йўқми ўша дам...

Булутлар кўк кезар кунда пиёда,

Ўфкэ офтоб ботар 1[^]зил гулхацдай.

Армоним экансиз ёруғ дунёда,

Сизни ўйламасдан яшарман қдндай.

Қўнглим айвонида куз хуштак чалар,

Қўзимдан ёш бўлиб ёғадӣ япрак.

Дўстларим — такаббур шоирваччалар,

Ўзларин севишар еридан кўпроқ.

Кунларнинг кафтидӣ севги ханжари,

Бағримда бёғуноҳбир гул сўнади.

Тойчокқа айланиб тоҳ кечалари,

Тупроқца. ағанаб ётгам келади!..

Севгилим,

Севгилим,

Оғрийди дилим.

Жоним ёмонағирир сизни **ўйласам**.

Сунбул сочингизиц силар энди гаш,

Мени эслайсизми-йўлдми ўшал , ; ^ .

Билмайман,
Билищни истамайман хам.
Билганим — менга баҳт насиб этмади.
Йиллар ўтаверди кўзим ўнгидан,
Сизнинг ойдек руҳсорингиз кетмади.

Дунё ОМОН бўлсин,
Сиз бўлинг ОМОН,
Омадли бўлинг сиз,
Баҳтли бўлинг сиз.
Пекин
Билиб қўйинг,
Билиб қўйинг, ҳамон
Сизни унуполмас Мухаммадингиз!

БИБИ

Марғилон ҳавоси элитди андек,
Маңыс күчаларда гордим довдираб.
Хозир Кумуш чикиб қоладигандек
Хар эшикка бокдим күзим жовдираб.

Чийса, Биби, дердим,
Шеърга ёр бўлдим,
У бир юҳо янглиғ домига тортар.
Шуҳрат йўлиққанда дўстга зор бўлдим,
Қалбимни ёлғизлик азоби ўттар.

Асли-ку шахарга йўлим чап эди,
Нетай, пойтахтдаман, насибам экан.
Сени-ку душманинг бир Зайнаб эди,
Менинг кундошим кўл, ёвларим улкан!.

Булардан кўрккулик. Булар доғули,
Зайнаб нима? Зайнаб бир рашк бандаси
Булар душманларнинг энг номард хили,
Булар кундошларнинг энг шармандаси.

Қон тўла кўзида ялтирас ҳасад,
Булар на шоир, на омадсиз одам.
Улар оёқ қўйган ҳар зина жасад,
Шулар гумдон қилган Қодирийни ҳам...

Марғилон ҳавоси элитди андек,
Маңыс күчаларда юрдим довдираб.

Хозир Кумуш чикиб қвладигаидск,
Хар эшикка боқдим қўзим жовдираб.

Чикса, Биби, дердим,
Мен езмай кўйдим,
Ўрнингга борай, сен Марғилонга қайт.
Туғилдим. Яшадим. Зериқдим! Тўйдим.
Захаридйн берсин, кундошингга айт!..

Бисотимни боғда бир халол
Капалакка алмашаман мен.
Хәётимни кўқдаги зилол
Камалакка алмашаман мен.

Ёғдуларга чўмилган шахар
Бетонлари бикинни чақар.
Уйим қаср бўлса ҳам агар,
Гувалакка алмашаман мен.

Шоирликни сўймайди жиним,
Менга хавас килмагин, иним.
Шухратимни тотли бир тилим
К^шдалаюса алмашаман мен.

Кўшикларим бўлиб овоза,
Юртда **машхур** эмишман тоза!..
Барча ёзган шеърим бир коса
Сумалакка алгксашаман мен.

ХАЁЛ

Хаёл қандай яхши,
Акангга ўшар.
Үйнатар елкага кўтариб олиб.
Бу парвоз сўнгида йиғлашинг мумкин,
Софинган онангнинг олдидা колиб.

Хаёл қандай яхши,
Хаёл қандай соз.
Кўшиклар сочади босган изингга.
Бир кечада бориб айтишинг мумкин,
Изҳори дилингни суйган қизингта.

Бегубор болалик юлдуздай олис,
Аммо хаёл учун у ҳам бир кадам,
Тарсиллаб қовунлар ёрилган полиз,
Сен ёлғиз ётибсан, тепангда — бодом.

Гуллари тўкилар ўша бодомнинг,
Капалақдай келиб юзингга кўнар.
Хаёл ҳам туғишган укаси одамнинг —
Қаёқка юборсанг ғинг демай жўнар.

Кўксида хаёлинг турса йиғилиб,
Қуёшни уйғотиб келса бўлади.
Шоирларнинг бари ерда туғилиб,
Осмону фалакда ўлади.

ОДДИЙ МУАЛЛИМ

Қадри билинади менга энди goх
Олис мактабимнинг ўша беҳашам...
Навоий-ку бизга устоздир, бирок
Кимдир ўқитган-ку Навоийни хам.
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?.
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Тупрокдек хокисор, безовта жонлар,
Аммо қаноатда тоғдек улугвор,
Хатто Темурдайин Сохибқиронлар
Пирим деб, этагин ўпган зотлар бор.
Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким?.
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Йўқдан Берунийлар бинолар килган,
Машрабни машхури дунёлар килган.
Хусайнни — Ибн Синолар килган,
Абдуллонинг тилин бурролар килган,
Илон ўйнатгандек сўз ўйнатган ким?..
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Лекин бу ҳаёт ниш-санчиқларидан,
Қокинса қўтарган қўлтиқиаридан,
Отадек эзилган ғуссага ботса,
Боладек қувонган ютукларидан,
Үйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?..
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Улфат қўп-у аммо бир дўсти ҳамроҳ —
Ҳалим тополмадим ундан ҳалимроқ.
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ,
Олим тополмадим ундан олимроқ.
Бола юрагимда бебаҳо тилсим —
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Юзга кираман мен Худо хоҳласа -г-
Юз йилдан кейин, бир мўмин ўртоғим
Кўзим ёпиб-кўйса, жағим боғласа,
Сўнгти сафар сари отланган чоғим,
Факат бир кимсадан бўлади қарзим,
Оддий муалли, м-д[^] оддий муаллим!

ЭРКАКИЙИК

Эрка кийик, майлими бир эркаласам,
Мажнун бўлиб, саҳроларга ётакласам,
Бу дунёда бирдайғариб мен ҳам, сен ҳам,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..'

Сенинг қўзинг кора, менинг қўзим кора,
Сенинг бағринг яра, менинг бағрим яра,
Бу дунёда сен бечора, мен бечора!..
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Шамол эмас, изинг қувиб юрди камон,
Сайёд менинг кулбамни ҳам қидди вайрон,
Сенинг жонинг, менинг жоним — омонат жон,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Кел, йиғлаймиз биргалашиб янтоқларга,
Саҳроларда қуrimаган булоқларга,
Иккаламиз яралғанмиз қийнокдарга,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Умримизнинг барча йўли, сўқмоғи чўғ,
Чўғдан қўркма, беоз қўйган қопқондан қўрк,
Бу дунёда сенга дуст йўқ, менга дуст йўқ,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Соч оқарди, дилдош кутиб қўзим толди,
Юрагимдзи тўқилмай не сузим қолди,
Йўл сўнгида, ҳеч бўлмаса, ўлим олди
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

МАРСИЯ

Фарзанд дөғи күйдиради күйган сари,
Дийдалари құз ўнгидан кетмас нари.
Оназорин тилаб олган болалари,
Афғон кирларида қолган баҳодирлар.

Алвон-алвон гуллар ёғар адиrlарга,
РСұл етмайды сизлар ётган қабрларга.
Олис юргда йүлдош бўлиб Бобурларга,
Афғон кирларида колган баҳодирлар.

Жалолиддин кони жўшиб қонингизда,
Умид килиб узилмаган жониншзда.
Навоийдек зотлар ётар ёнингизда,
Афғон кирларида колган баҳодирлар.

Йигит бўлиб яйрабгина юрмай кетган,
Бир қиз қокилларин қўзга сурмай кетган,
Туғилган боласин бўйин қўрмай кетган,
Афғон кирларида колган баҳодирлар.

Кимга керак бўлди, кимга керак бўлди;
Сиз ўлдингиз, кимнинг бўйи терак бўлди.
Бу дунёда ўлим ҳам бир эрмак бўлди,
Афғон кирларида колган баҳодирлар.

Мен бағримдан щаъннингизга шеър тиладим,
Дунё мендан, мен дунёдан ўпкаладим.
Туғишгандан азиз менинг укаларим,
Афғон кирларида колган баҳодирлар.

Фарзанд дөғи күйдиради күйган сари,
Дийдалари құз ўнгидан кетмай нари.
Оназорин тилаб олган болалари,
Афғон кирларида колган баҳодирлар.

« * *

Күнгил шодлигига йўқцир ниҳоя,
Жонимни аллалар туғилган еrim.
Салом, ота макон ва бедапоя —
Олифта қизларга ёқмаган шеърим!..

Сен ўша — ўшасан, дилкашу мўмин
Дунёй ўйлайсан шудгорни кечা.
Юзингдан сув оқиб тинмайди бир кун,
Кўзингдан аrimас ташвиш бир кечা.

Мен эса яшадим олисда бебош,
Тилла сирғаларнинг жарангни аро.
Ўсди, ўсаверди юрак — харсангтош,
Болангга ўхшамай турибман, кара.

Келаман битталаб териб лой йўддан
Олтин ёшлигимнинг суратларини...
Ўрдаклар учади оғриниб! қўлдан,
Офтобга тутгали ҳўл патларини.

Кўнгил шодлигига йўқdir ниҳоя,
Энди қадринг билдим, туғилган еrim.
Салом, яйдоқ дала ва ғўзапоя —
Олифта қизларга ёқмаган шеърим!..

СЕВГИ БУ...

Севмоқ бу,
Кечирмоқ дегани асли,
Токи бу Д5^ ёда қүёш бор, гул бор.
Ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли,
Содик хамдам бўлгин сен менга, дилбар.

Фийбатлар тингладим, айланди бошим,
Хўл тупрок куйдирди товонларимни.
Ва мана мен унга кўнглимдан юлкиб
Кўмдим беор дўстдек гумонларимни.

Ўйлар суравердим кечалар танҳо,
Гохи жикка ёшга тўлганда кўзим.
Ва сени севмоқдан олдин бир куни
Диддан севиб қолдим ўзимни ўзим...

Севмоқ бу ўзингни англамоқ асли,
Токи замин аро қүёш бор, гул бор.
Райхонга кўмилган шу баҳор фасли,
Садоқатли ёр бўл, сен менга, дилбар.

Севгилим, мен сени съваман, тамом,
Фамгин кўзинг, ҳадик тўла кўзингни.
Севмоқ — бу кунда бир кўрмок баҳтидир
Озғин қўлларингни, сепкил кўзингни...

ДУНЁ БУ

Бир қарасанг, баланд тахтда ўлтирад,
Бошинг силаб қорнингни қам тўйдирад.
Бир қарасанг ўзи, ион, дер мўлтираб —
Бирда подшо\, бирда ирмок дунё бу.

Бир қарасанг, кирғондан тошади,
Тўлкинлари булутга ёндошади.
Бир қарасанг, зўрға бир тош ошади --
Бирда ирмок, бирда даре дунё бу.

Бир қарасанг, қулундайин ўйиоки,
Бўшатилган бўйнидан бўйишибоги.
Бир қарасанг, тизза тўла титроғи,
Бир кун бола, бир кун момо дунё бу...

Бир дардим бор —тор қслади кўкрагим,
Айтсам ииғлаб сел бўлади, ўзбагим.
Айтинг, қачон эл бўлади ўзбагим?..
Миртсмирни килган адо дунё бу.

От ҳам смон қўрар отнинг зўрини,
Турта-турта қуритади шўрини.
Тура бўлдик— қўрмай жойлар тўрини,
Кўпкаридай ажаб савдо дунё бу...

Эй, қарамли ҳаёт, сендан айлаиай,
Кўксимдаги баёт, сендан айлаиай.
Неки берсанг — бергил одам танламай,
Бир слтиниб ўтар сабо дунё бу!

Шошманг, қошингизга бораман ўзим,
Сизга бир дардимни ёраман ўзим.
Бир сирни айтмабман: биз энди ҳур халқ,
Истаган лойимни кораман ўзим.
Кетди думин тугиб ул ёт ғоялар,
Улуғмиз, "Улуғ"сиз, буғдойпоялар!..

Тинчлик қандай улұғ!
Тинчлик қандай соз!
Мен Сүз уммонида ношуд бир ғаввос.
Қорним түқ, устим бут, яна нима дей,
Бир бор қошингизда бош эгдим, холос.
Асли минг күллүкка арзир доллар,
Буғдойпояларим, буғдойпоялар!

МУНОЖОТ

Ватан —
Кўксимдаги
Бебаҳо тилсум,
Сенга иddaолар
Қилмай севаман.
Гоҳо онам дейман,
Гоҳида синглим,
Гоҳи
Кимлигинг \ам
Билмай севаман!..

Бугун олислардаи
Сенга мўралар,
Кеча
Тузинг ялаб
Сотган тўралар,
"Оҳ!" десанг,
Шаталок
Отган тўралар,
Мен эса
Ёнингдан
Жилмай севаман.

Мен учун
Тўртгала ,
Томонинг азиз,
Санасам —
Сочингдан
Товонинг азиз.
Андижонинг азиз,
Сурхонинг азиз,
Бирини — биридан
Юлмай севаман!..

Чўксанг,
Тур, синглим, деб,
Бирга йиғлайман,
Урсанг,
Онам дейман,
Кўлинг силайман.
Сендан ранжимайман,
Тина қилмайман,
Хоҳ хўмрай,
Хоҳ жилмай —
Бирдай севаман.

Ўзинг
Ёлғиз жоним
Оlampanoхim,
Будунё
Майдадир
Жийдачанг шохи,
Ватан —
Юрагимнинг
Ширмон булоғи,
Сойингни
Дарёйи
Нилдай севаман.

Бу ёруғ оламда
Йўғ-у боримсан,
Тилимнинг остида
Новвотзоримсан,
Сен манинг
Ягона
Пайғамбаримсан,
Мен Билол,
Мен хабаш —
Кулдай севаман!..

ШОИР ОРЗУСИ

Куксим Тула
дардли сүз бўлса,
Бир мард ғаним,
битта дуст бўлса.
Бир парча ер,
бир парча осмон,
Бир кафт буғдой,
бир сув тегирмон,
Кечаларим ёрутувчи шам,
Қоғоз бўлса,
бир кийшиқ қалам.
Хаёлларим —
бир яйлов бўлса,
Болаларим —
бир угон бўлса.
На зар-у
на олтиним бўлса,
Биттагина хотиним бўлса,
Гўзал бўлса ва...
Соков бўлса!

ДУНЁ

Бир кун аёз туғар, бир кун туғад ёз,
Бир күн ёмғир ёғар, кор бўлар кун бор.
Ўйнаб яшасанг ҳам ўйлаб қадам бос,
Оёкости аркон дор бўлар кун бор.

Товуснинг патидан қўлида қалам,
Ҳар қадамдан огоҳ сарвари олам.
Одамдай яшаса ҳазрати Одам
Йўқдан йўқлагани бор бўлар кун бор.

Тоғлар нураб бир кун кўкка ёндошган,
Жилғага айланар дарёлар тошган,
Бир ҳафта бек бўлиб, хаддидан ошган,
Халқни хўрлаганлар хор бўлар кун бор.

Тўрга чикиб бир кун пойда ётганлар,
Йўлбарсга йўлиқкай жайрон отганлар.
Тузлигин унутиб, юртин сотгаилар —
Парча тупроғига зор бўлар кун бор. ,

Кўзингда ёш қалқиб деганда — Ватан,
Жонинг қалқиб тушса, жимирилаб бадан.
Чорлаганда учиб келсанг Каъбадан,
Интилганга толе ёр бўлар кун бор.

Кўпдир айтилмаган қўнгил баёзи,
Машшок юрагимнинг ипак сози.
Ҳали дунёларни тутар овози,
Шоир ҳам каторда нор бўлар кун бор.

ЧҮЛПОН

Үлса ўзи ўлар,
Сўзи ўлмайди.
Ҳамиша барҳаёт наел шоирлар.
Ҳакикий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар.
Йўқса йўкламокни ўргатинг менга,
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга?..

Хазой билмас боғдир шоирнинг зўри,
Сархил мевалари мунтазир бағир.
Кўкка туташ тоғдир шоирнинг зўри,
Тоғни ерга кўмиб бўларми ахир?..
Эртак сўйламакни тўхтатинг менга,
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.

Бошга болиш килиб қайин пўстини,
Балки у хорган-у ухлаб ётгандир.
Душмани тан бериб, кўриклаб уни,
Эҳтимол, энг яқин дўсти сотгандир...
Рост сўзини айтар, уйғотинг, менга,
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.

Қани шеърни енгган маҳмадоналар,
Енг шимариб энгган маҳмадоналар.
Ўзин чорбоғидан ўзи юлқилаб,
Гулханга гул кўмган маҳмадоналар?..
Туртиб турғазинг бир, сўзлатинг менга,
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.

Үзи қаландару шоир байти шох,
Тупроқда гиёх-у осмонда күшдир.
Шоирни ўлдирмок — сувни ёндиришок,
Ерни синдиришбек мушкул юмушдир.
Эй, сиз, ўйлаб ўйнатинг менга,
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.

Сўз бор — ўлган тирик, тириклар жонсиз,
Ойдин хотира бор — кўнгил гавҳари.
Кетар битта-битта ному нишонсиз
Уии йўқ қилмоқчи бўлганинг бари!..
Битгасин номини эслатинг менга,
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга.

Ўлса ўзи ўлар,
Сўзи ўлмайди.
Хамиша бархаёт наел шоирлар.
Ҳакикий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар.
Йўкса йўқлаш йўлин ўргатинг менга,
Чўлпоннинг гўрини кўрсатинг менга!

ОЙНОМА

Оқшомлари қовундай
Юмалайди ой ерда.
Менга айтинг, қүёшнинг
Остонаси қаерда?

Тилинг борми, бұлса бир
Хайкириб бер, Оймома.
Шу күчада бир қиз бор,
Чакириб бер, Оймома!..

Үрмалаб бор, мен учун
Эшигига бошинг ур.
Юзларига юзинг бос,
Қошларига кошиңг сур.

Узрим айтгин, юракцан
Уни тавоғ этарман.
Келаман деб ҳар кеча
Келолмасам нетарман.

Қай кун йўқлаб боргандим,
Кўрмайин хол сўргандим.
Мен севишни тундаги
Сукунатдан ўргандим...

Мен учун ҳам ўзинг бир
Хайкириб бер, Оймома.
Сендан ойдин бир қиз бор,
Чакириб бер, Оймома!..

МАШРАБ ҲИРГОЙСИ

Донишни кийнаб түймаган,
Холи-жонига қўймаган.
Нодон билан кулиб-ўйнаган,
Пихини ёрган дунёсан.

Ўтрини сийлаб овлокца,
Ошини мақгаб товоқца.
Тўярни кийнаб сиртмокца,
Лойларга корган дунёсан.

Ўтга бостириб далани,
Сувга чўкириб қалъани,
Отадан олдин болани
Жонини олган дунёсан.

Улуғин хўрлар сенмасми —
Тўрга ўтказиб нокасни,
Оти ўрнига йўлбарсни,
Кўшига соглан дунёсан.

Ким ҳам ишонар нозингга,
Бахоринг ўшар ёзингга.
Куйларинг тушмас созингга —
Кўшиғи ёлғон дунёсан!..

Оқ рўмол ўраб отиндай,
Товланма менга олтиндай.
Бола қўрмаган хотиндай
Алласи ёлғон дунёсан!

ҚАДАХСҮЗ

Офтобсан, сендан
бир сояман, Ота.
Сочни ок, бағримни
эса босар ғам.
Она, сенга нағим
тегмади ҳатто,
Остонанг күриган
кучугингча ҳам.
Содик ўшал итни
дүйстдек қучарман.
Мен бугун кучуклар
учун ичарман!..

Осмондан уйингга
бўйладим, иним,
Ушок жонингда ҳеч
кўрмадим тиним.
Холинг не кечгани
хәёлимда йўқ,
Мен факат ўзимни
ўйладим, иним.
Акапик тўнини энди
ечарман,
Мен бугун кичиклар
учун ичарман!..

Сочига толпопук —
тож илганларим,

Ғунчадек ийманиб
очилганларим.
Бир уйда туғилиб,
үсганим ўшал,
Дунёга бодрокдек
чочилганларим,
Сингиллар —
суюклар учун ичарман,
Беозор кийиклар у^ун ичарман!..

Майли, ёқмаганим, майли ёкканИм,
Майли хоҳ дуст бўлсин, майли хоҳ ғаним.
Дилида дард борки, бошида ғавғо,
Таниганлариму танимаганим,
Мен бугун барини бир-бир қучарман,
Юраги кийиклар учун ичарман!..

Гарчи сода байтим, гарчи тўпори,
Кўнглимда тўкилган кўнглимда бори.
Майли, кутмаса ҳам куйимни ҳеч ким,
Майли, тутмаса ҳам шеърим хумори.
Мен-ку ёzsам ездим етканча дармон,
Эртанги буюклар учун ичарман!..

НАСИБА

Кун тегмаган бўйнингизга тилла маржон,
Какшатдингиз кошингизни суза-суза.
Ай, бироннинг насибаси — Насибажон,
Ажралишдик, энди қандоқ қиласуза...

Нима бўлса бўлди энди, эй жонажон,
Пешонадан кўрамиз-да, пешонадан.
Хаёл билан йўлга чиқиб Фарғонадан,
Кўчангизга ҳар купи бир келавуза...

Гуноҳ бизда, нолиш йўқ Сиз Гулойимдан,
Ғиштлар кўчган кумдан курган бинойимдан,
Энгак қучиб, энди факат Худойимдан
Бизга тўзим, Сизга умр тилавуза...

Ёр дегани ёнингда юрса қуйманиб,
Сўймасанг ҳам қолар экансан ўрганиб.
Факат хануз Тошкан деса жон ўртаниб,
Билдирмасдан тунлар йиғлаб олавуза...

Йиллар йўнар, йиллар қўйар дилда дардни.
Ранги кетар ҳар қандайин мухаббатни,
Унутгансиз Сиз албатта Мухаммадни —
Бунисини ўзуувузам билавуза!

Кун тегмаган бўйнингизда тилла маржон,
Какшатдингиз қошлигингиз суза-суза.
Ай, бироннинг насибаси, Насибажон,
Ажралишдик, энди қандоқ қиласуза...

ОҚ ҚҰЧҚОР

Беканғ мендай сұрамай
Пойимга курбон қилди.
Жовдираган құзларинг
Юрагимни қон қилди.
Оқ құчкорим, ОҚ, құчкор,
Олдингда гунохим бор...
Олмос ханжар ялтираб,
Тұсиб қүйди күёшни,
Күрдим умримда илк бор
Конга томган қүзёшни.
Қараб турдим сесканмай,
Кечир, мен бағритошни...
Оқ, құчкорим, оқ құчкор,
Олдингда гунохим бор.
Наҳот қүзёш құргали
Мен шунчалар ийл босдим?
Жониворим, мен бунчалар
Изза.тталаб әмасдим,
Мен келсам, сен кетишиңг
Билганимда келмасдим...
Оқ құчкорим, оқ құчкор,
Олдингда гунохим бор.
Бекалар шу: тох суйиб,
Гох қуидириб ўтарлар.
Қызлигига үзларин
Маликадек тутарлар.
Сұнг оғеңинг остига
Құчкор сүйиб кутарлар.

Оқ күчкорим, оқ күчкор,
Олдингда гунохим бор...
Бу ховлига энди мен
Сира қайтиб келмайман,
Күчкорини қийнаган
Бекаларни севмайман,
Үзим қүчкор шоирман,
Күчкор гүштин емайман!..
Оқ күчкорим, оқ күчкор,
Олдингда гунохим бор.

ШУКР ДЕЙСАН СЕН ҚАЧОН?

Таъмагирни торткилаб,
Нафси қўймас, дейдилар.
Нокас ўзи тўйса ҳам,
Кўзӣ тўймас, дейдилар.

Боқ бир ёруғ оламга —
Кимлар зўрға кун кўпар.
Одамлар бор, боғдаги
Булбудцан ҳам пул сўпар.

Ёлғон дунё — бу дунё,
Арzon дунё — бу дунё.
Не-не хоким, беклардан
Қолган дунё — бу дунё.

Киприкдан ҳам кискадир
Молу дунё йўллари.
Ибрат бўлсин, Искандар
Очиқ кетган кўллари!..

Узат дейсан, бер дейсан,
Ҳеч қўймадинг, одамзод.
Туя тўйди, фил тўйди.
Сен тўймадинг, одамзод.

Шукр қиласар ҳаттоқи,
Кумурска, паррандалар,
Шукр дейсан сен қачон,
Хом сут эмган бандалар?

Бу уч кунлик дунёда
Савлатингга керилма.
Қаср қурма, боғ қолдир,
Давлатингга керилма.

Үз элингни қақшатсанг,
Хор бўласан ўзинг хам.
Бир кун шу эл меҳрига
Зор бўласан ўзинг хам!..

ИЙМОН ҚҮШИФИ

Умрнинг ҳар куни байраммас, тўймас,
Ўчар оқшоми бор олдинда чироқ.
Кўйлагингга қараб жаннатга қўймас,
Ажрим бўлар бир кун савоб-у гуноҳ.
Чўян дошқозонга шайтон ўт қалир,
1^қарса бир куни иймон қуткарап...

Номинг тутган тузинг тотмай кетмасин,
Уйингда ҳар куни ёстиқ етмасин.
Тўртта майизингни қуш ҳам еб кетар,
Уйинг четлаб одам зоти ўтмасин.
Берк сароймас — очик айвон қуткарап,
Мехмонни бир куни меҳмон қуткарап...

Хор килиб ўйнама ҳар кимса бошин,
Йигит ғарибию қизнинг ювошин.
Кўшкингни кўз-кўзлаб, зорингдан сўзлаб,
Мустарин кўзидан оқизма ёшин.
Кимда — кетар хусн, ким хуш бўй тарар,
Лолани хокисоррайхон қуткарап.

Ботинда бошка-ю зохир бўлаксан,
Аввал бошка эдинг, охир бўлаксан.
Кўнгил қўчасида, кўнгил кўйила,
Келган изга қайтиб борар йўлаксан.
Бунда ҳар ким ўзи кул — жон қуткарап,
На шоҳ, на ҳакими Лукмон қуткарап.

ОТАЖОНЛАР

Кўргонига борин тўккан отажонлар,
Фарзандига жонин тиккан отажонлар.
Бегойим деб ардоклаган кизларини,
Ўғлига от бўлиб чўккан отажонлар...

Юрак олов-ёлқинлиги Сиз туфайли,
Бизнинг ёшлил олтинлиги Сиз туфайли.
Дастурхонлар тўкинилиги Сиз туфайли,
Сиз йўқ уйда файз йўқ экан, отажонлар...

Биз не этсак бориб Сизга тегар экан,
Бизга шўхлик — Сизларга кон жигар экан.
Отанг ўлса болалик ҳам тугар экан,
Сизлар тирик — биз шўх экан, отажонлар...

Шоду мамнун — давронини сур отанинг,
Холинг забун — бор пинжига кир отанинг,
Ўтиз ўнил, боқолмайсан бир отани!..
Ердек хоксор, кўқдек улкан, отажонлар.

Адойингиз бўлсак арзир, адойингиз,
Пайғамбарнинг нидосидир нидойингиз.
Биз қўкарсак — қўкартирган дуойингиз,
Биз бир ниҳол Сизлар эккан, отажонлар...

Кўргонига борин тўккан отажонлар,
Фарзандига жонин тиккан отажонлар.
Бегойим деб ардоклаган кизларини
Ўғлига от бўлиб чўккан **ОТАЖОНЛАР!!!**

ХАЛҚОНА

Киз деганнинг кўқси тўла ўй бўлади,
Йигит бир кун етилиб бўй бўлади.
Бир тандир нон ўртада, бир кося сув,
Унта узбек йифилса —тўй бўлади...

Рўёбларга чиқади ширин тушлар,
Келинчакнинг енгидан куёв ушлар...
Бешикларни бўшатиб бир-бирига,
Туғилади Тўмарис, Алпомишлар.

Суюнгандан оналар кўзида ёш,
Отахонлар юзида порлар күёш.
Набиралар тўлади ховлиларга,
Бари бир хил — корасочу коракош.

Бола гапин ёқтирмас кайтганини,
Бизда бола қилдирап айтганини.
Майли, содик ўсса бас юртига у,
Бошлирига кўтариб Ватанини...

Дабдабасиз даврада нур бўлади,
Куёв — тура, келинчак — хур бўлади.
Қайда ялла янграса келаверинг,
Ўзбегимнинг тўйлари зўр бўлади.

Севгим менинг, мен билмадим, менинг севгим,
Кўзинг шаҳломиди сенинг, хумормиди.
Эртакдаги Лайли сендаи дилдормиди,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Гоҳ гул бўлиб яшнади дил, гоҳ сўлди гул,
Гоҳ йиғлатиб, гоҳо ўзи қон бўлди дил.
Томоғимга чирқираган жон бўлди дил,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Сени фақат олислардан аллаладим,
Эркаласам хаёлимда эркаладим.
Сочларингни тушларимда сийпаладим,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Сен куш бўлиб учдинг-кетдинг, туголмадим,
Оҳу бўлиб қочдинг, қувиб етолмадим.
Бир бор кўриб, бир ширин сўз айтолмадим,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Соч оқарди юракдаги шу бир чўф деб,
Армондаги, тилакдаги шу бир чўф деб.
Йигит умрим зорланади севги йўқ деб,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Ана, ажал останамда турад бўйлаб,
Фаришталар чорлар мени ўлан сўйлаб.
Жаннатларда зерикарман сени ўйлаб,
Ай, **“ЮЗИНГНИ”** бир кўрмадим, менинг севгим.

БИЗ БАХТЛИ БЎЛАМИЗ

Майли-да кимгадир
Ёкса,
ёқмаса,
Уларга қўшилиб
ийғлашармилик.
Биз баҳтли бўламиз
Худо хоҳласа —
Худо хоҳламаса
учрашармилик...

Райхон хиддарини
йўлларимга сеп,
кут мени,
хар оқшом
қўкка ой чикқан.
Фақат,
ийғламагин,
Гуноҳим не деб,
Айбинг —
Онанг сени
чирайли туккан!..

Менга бир табассум
хадя эт, эй ёр,
Нур томсин
лабларинг
соҳилларидан.
Ўзинг айт,
Сендай киз
яна қайдা бор,
Киприклари узун
кокилларидан?..

Ийманиб яшама
Хаёл пинжида,
Ёйил,
яйра жоним,
Үртганма ғамда.
Фийбатларга чида,
Тухматта чида —
Сен биттасан, ахир,
. Ёруғ оламда.

Мен ?са
Ошифинг сенинг
Энг ғариб,
Тундан сўз
карз олиб,
Тонгга тутувчи.
Сенинг енингда ҳам
Сени ахтариб,
Сенинг енингда ҳам
Сени қутувчи.

Иста,
Тиз чўкаман
хозир олдингда,
Севдим,
Севганимдан
Уялмоқ нечун.
Барча фаришталар
Сенинг қалбингда,
Ижарада турган
Қизлар мен учун!..

Биз баҳтили бўламиз
Худо хоҳласа—•
Худо хоҳламаса
Учрашармидик.

РУХ ТҮТИСИ

Бош бир кун тош ёстикқа етар,
Рух түтиси танни тарк этар.
Дейдилар: ёш танламас ажал,
Худо билар, КИМ олдин кетар...

Офтоб елиб толса күк узра,
Унга осмон сандығи хужра.
Хақцан хукм, бандадан ижро,
Худо билар, КИМ олдин кетар?!

Пок дилингни кемирди хасад,
Кадамингда топдинг азият,
Дүстим, менга қилма васият,
Худо билар, КИМ олдин кетар.

Асо тутмиш қанча қадди дол,
Мен бир құчға тұлған навниҳол,
Отам мени құмар әхтимол...
Худо билар, КИМ олдин кетар.

Күзим қўқда, сизда хаёлим,
Жўжуқларим — менинг камолим!.
Ғаниматмиз, жуфти ҳалолим,
Худо билар, КИМ олдин кетар!..

МЕНИНГ ЭРТАГИМСАН

Менинг шодлигимсан,
Болалигимсан,
Менинг руссам ўзинг,
Менинг армоним.
Сени осмонимга олиб кетаман,
Ерда бизга кун йўқ, кун йўқцир, жоним.

Хато қилдиммикин мен эрта келиб,
Ё сен адашдингми келиб кейинми.
Гоҳо кимлигинг ҳам билмайди бўлиб,
Иним дейми сени, севгилим дейми?

Кел, деб айтолмасам нетаман,
Кет, деб хайдолмасам нетаман?
Сени осмонимга олиб кетаман.
Сени осмонимга олиб кетаман!..

Сенсиз ўтар кунлар, ўгади ойлар,
Хижрон юрагимга отади ёйлар.
Гоҳ учрашганда ҳам жилмайма, жоним,
Бутун дунё" бизнинг йўлумиз пойлар.

Ўйламай дейману ўйямай бўлмас,
Ўтсанг сен томон бир бўйламай бўлмас.
Сен менинг хаммадан яширган сирим,
Менинг эртагимсан — сўйламай бўлмас.

Кел, деб айтолмасам нетаман,
Кет, деб хайдолмасам нетаман.
Сени осмонимга олиб кетаман.
Сени осмонимга олиб кетаман.

ГҮЗАЛЛАР

Гүзалларим — гүзал алдайсиз,
Гүзал хатто — ёлғонингиз хам...
Гүзал — кўнгил қолдирмоғингиз,
Гүзал — кўнгил олганингиз хам.

Оlamда йўқ Сиздек оввора,
Бечоралар ичра бечора.
Гүзал — йўлдац уриб минг бора,
Гүзал — йўлга солганингиз хам.

Гүзал — бошда суйиб-сийпалаб,
Кўнгилнинг бор мулкини талаб,
Аввал жонни кийма-қиймалаб,
Гүзал — сўнг уёлганингиз хам.

Кўзларим-ку кўзингиз излар,
Аммо кўриб юрагим музлар,
Гўзал — тунда кучиб, кундузлар
Танимасдан колганингиз хам.

Бир боксам хуш — мажнунтолдайсиз,
Заифу бечораҳолдайсиз,
Жоду билан пайт пойлайсиз —
Гўзалларим, гўзал алдайсиз!..

ТЕМУРБЕК

Суйиб сизни Темур кўйдим отингиз,
Жонимнинг бир парчасисиз, жон болам.
Алпомишлар бўлар сизнинг зотингиз,
Ўз элида ўзига бек, хон болам.

Бу дунёси поёни йўқ ўрмонзор,
Ўрмонларда менинг босган изим бор.
Қулоғизга аста айттар сузим бор:
Арслоннинг боласи ҳам арслон, болам.

Номард байрам килар чивин ўлдириб,
Мард мақтанимас бўлмаганни бўлдириб.
Отлар чопинг майдонларни тўлдириб —
Биздан сизга колар бир майдон, болам.

Бир армоним — бўйингизни. қўролмай,
Момо ўғди тўйингизни қўролмай.
Бир кўришга мусассарлар бўлолмай,
Жигаримни бир томони қон, болам...

Сиз — лоланинг бағридан топганимсиз,
Қирқ баҳордан тилаблар олганимсиз.
Кетар бўлсан изимдан колганимсиз,
Кўзимнинг оқ-корасисиз, жон болам.

Муборакдир бу кун йигит ёшингиз,
Мағрур бўлинг, эгилмасин бошингиз.
Мангу бўлсин худойим йўлдошингиз,
Ўз юртида ўзига бек, хон болам!..^

ЁЛГОНЧИ ЁР

Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон,
Ёлғон йиғлаб, куйганларинг тугар қачон.
Қачон менга бир илтифот айлагайсан,
Қачон тугар ситамларинг карвон-карвон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?..

Мажнун бўлдим, саҳроларда бир соя йўқ,
Менга офтоб — кароқчидан химоя йўқ,
Ўнгимда чўғ, сўлимда чўғ, қўнглимда чўғ,
Жоним сайёд кўлидаги жайрон-жайрон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?..

Узун тунлар бекорга мен тўлғонмасман,
Паризодим, сени севдим, ҳеч тоғмасман,
Минг бир кеча эртагинг айт — ишонмасман,
Ишонмай ҳам кўзимда ёш маржон-маржон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?..

Жаннат ишвасига учеб ким чопмаган,
Тақдир менинг пешонамга қил ёпмаган,
Ношуд қулман — чаман кезиб гул топмаган,
Ўз ҳолимга энди ўзим хайрон-хайрон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?..

Тушунмадим муҳаббатнинг шевасига,,
Кўнгил бердим сендей қизнинг нимасига.
Нега миндим омонат ишқ кемасига,
Ўз умримни ўзим қилдим вайрон-вайрон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?..

УТИНЧ

Фарғонанинг паривашлари,
Эй, жонимнинг қариндошлари.
Бўйнингизга марварид бўлсин
Маржон-маржон кўзим ёшлари.

Мухаббатдан айтишиб ўлан,
Қувалашиб ўсдик сиз билан,
Кетдим кейин булатдай қўчиб,
Қайтай ЭНДИ қайси юз билан?..

Ёдимда соф туйғуларингиз,
Жаранглаган кулгуларингиз,
Хаётимда бўлмасангиз ҳам
Хаёлимда юрдиларингиз.

Кўргонимга келмасангиз ҳам,
Армонимга бека бўлдингиз.
Сиз мен учун ўша-ўша шўх,
Ўша-ўша эрка бўлдингиз...

Ўйин дедик бу ёруғ олам,
Ўйин килдинг мухаббатни ҳам.
Қизлар, ўлан айтишиб гоҳида
Эслаб кўйинг Мухаммадни ҳам.

ОТАУЙ

Уч күтбага уч гулни
Кузатиши бир кувда,
Учта опа-сингилни
Узатиши бир кунда.

Уч махлико, уч тобон,
Юришарди яркираб,
Уччаласи уч томон
Учиб кетди чиркираб.

Сурнай йиғлар, күнгиллар
Найдек нимта-нимтадир,
Энди опа-сингиллар
Күришади йилда бир.

Бири Шошда,
Бириси Ўш,
Бири ЭҢДИ Бойсунда.
Хол сўрайди қизлардан
Она бўлиб ой тунда.

Хуш кол ЭҢДИ, болалик,
Кўхна чорбоғ, хуш қолгин.
Уч қизингни ўрнига
Бозордан уч қуш олгин...

Хуш кол ЭҢДИ, Ота уй,
Хушларингдан айрилма.

Қизларингдан айрилдинг,
Күшларингдан айрилма.

Кенг қасрға келин бўл,
Ўз ошёнинг бўлакча.
Ота уйим олдида
Бу дунё бир кўлмакча...

Уч қутбга уч гулки
Кузатишди бир кунда,
Учта опа-сингилни
Узатишди бир кунда.

Қиз болага қисмат шу —
Буний бошқа аташ йўқ,
Бир ҳовлида туғилиб,
Бир ҳовлида яшаш йўқ...

ХАЗИЛ

Менинг хакид[^]аги ғийбэллар ёлғон,
Ихтиёр ўзимда бўлса қанийди.
Шароб ичиш менга Хайёмдан қолган,
Ичмасам ул зотнинг қўнгли ранжийди.

Ўзим бошладимми, ўзим қилгум бас,
Дўстларим беҳуда заводим излар.
Агар қирққа кирмай ўлсам, май эмас,
Мени хароб этгай бевафо қизлар!..

МУДДАО

Кузда гўзал бизнинг Фаргона,
К^иёси йўқ жаннат маскандир.
Уйимизни соғиндим, она,
Боғимизда беҳи пишгандир...

Елар елдек кирда беарқон
Туёклари чакнок қулунлар.
Сойда танга сочадир хамон
Ўғил сўраб сулув келинлар.

Сиз-чи, юрибсизми ғимирлаб,
Кўнглингизда ғаройиб ҳислар.
Олдингиздан ўтса кикирлаб,
Сочига қўл тегмаган кизлар.

Мен хам ўша-ўшаман, нодон,
Гоҳ панд бериб, гохида панд еб.
Машхур кил, деб сўраб худодан,
Тиламабман баҳтли бўлай деб...

Кузда гўзал бизнинг Фаргона,
Киёси йўқ жаннат ватандир.
Хатим тамом. Айтгандек, она,
Зеби эрга тегиб кетгандир?!

ҮЛАН

Түйларни хаммадан ҳам
Бүй қизлар хуш күрармиш.
Битта киз эрга теса,
Киркгаси туш күрармиш.

Түйхонада қуй тиниб,
Тинганида оловлар,
Кирк сулувни йиглатиб
Кетар экан күёвлар...

Сингилларим, йиғламанг,
Йиғласанғиз хафаман.
Юртни кезиб, сизларга
Үзим қүёв топаман.

Оқ тилаклар бор бўлса,
Омон бўлса умидлар,
Изингизга зор бўлар
Мухаммадаек йигитлар!..

СУВПАРИ

Сени ҳеч ким севолмайди менингдек:
Васлингга зор бу ошикпіар әхтимол,
Пойингга тиз чүкиб йиңлар, әхтимол,
Лекин содиқ бўлолмайди менингдек!..

Алданма, ёр, алдамчилар мақрига,
Малак бўлма бевафо ишқ шаҳрига,
Улар сени бир босса бас бағрига,
Сени ҳеч КИМ севолмайди менингдек.

Йўлинг кесиб ўтсам — ўзим хижолат,
Узокцан бир сени курсам кифоят,
Бир нигоҳинг ўзи менга иноят,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Жонингга жон бўлмайман-у, севаман,
Ёнингга бир келмайман-у, севаман,
Исмингни ҳам билмайман-у, севаман.
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Сен кўқдаги харир кўйлак, хур-пари,
Кўк кўлдаги тиниб қолган сувпари,
Мухаммаднинг кўнглидаги дилбари.
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

ЙИГЛАБТУРИНГ

Эгар бўлдик эгилмаган бошимизни,
Тандан бу жон кетмасиди сиз кетгунча.
Алдамчи деб атамасман асло Сизни —
Киз боланинг ваъдалари бўй етгунча,
Кўнгил учун йиғлаб туринг тўй ўтгунча!

Бўй етган киз — учирма қуш, учар-кетар,
Вир кун суйиб бегонани қучар-кетар,
Эрта исмим ёдингиздан ўчар-кетар,
Киз боланинг ваъдалари бўй етгунча,
Кўнгил учун йиғлаб туринг тўй ўтгунча.

Қйзлар кўнгли баҳор билан ёз ўртаси,
Гоҳи олам, гоҳи араз — ноз ўртаси.
Кумкўргондек омонат бу ишқ ўрдаси,
Киз боланинг ваъдалари бўй етгунча,
Кўнгил учун йиғлаб туринг тўй ўтгунча!

Айтинг-айтинг, жўраларим қулмасинлар.
Тили узун шум янгалар билмасинлар,
Кўча-кўйда мени эрмак қилмасинлар —
Киз боланинг ваъдалари бўй етгунча,
Кўнгил учун йиғлаб туринг тўй ўтгунча!

МЕН БИТТАДУРМАН

Санам, сочингдан ҳам шайдоларинг кўп,
Хуснинг ошиқлари — адоларинг кўп.
Ниманг кўп, кўйингда гадоларинг кўп,
Аммо мен битгаман, мен битгадурман.

Бек йигит бир сенинг пойингда хорман,
Гарчи дийдорингга муштоқу зорман, •
Мен беун севарман, мен жим севарман,
Киёматгача шул сукутдадурман.

Дейдилар: мұхаббат билмас масофа,
Айрилиқни писанд қилмас масофа.
Келурсан ўзинг деб бир кун инсофа —
Гохи Тошкент, гохи Ургутдадурман.

Тилинг билмасам ҳам тушунгандайман,
Сен билан гохи дуст тутунгандайман,
Гохи бу дўстликцан ўкингандайман,
Минг бир хаёл ичра минг битгадурман.

Суймоқ бу — гулханда қуймоқ авали.
Мен шаҳар эркаси, сен тоғ гўзали.
Эслаб юр ёдингга тушган маҳали —
Шайдоларинг кўп-у, мен битгадурман!..

ЗЕБИ, ЗЕБИ...

Сузилма, ой, осмонда,
Севдан тўлин юзлар бор.
Сурхон деган томонда
Ойдан ойдин кизлар бор.

Зеби дейман, Зебона,
Ишқингда мен девона,
Болалиқда дуст қизлар,
Бўйга етгач бегона!..

Чоғим етмас чоғласам,
Офтоб эрир тафтидан.
Кечагина хоҳласам,
Сув ичардим кафтидан.

Зеби дердим, Зебона,
Ишқингда мен девона,
Болалиқда дуст қизлар,
Бўйга етгач бегона...
На у менга эланди.
На мен унга қайрилдим.
Дўстим унга уйланди,
Дўстимдан хам айрилдим.

Зеби дедим, Зебона,
Севганим сен ягона.
Болалиқда соғ қизлар,
Бўйга етгач —девона!..

НЕТАРМАН

Үзинг бор-а, үзинг бор,
Бир қурагай күзинг бор.
Ердан юмшоқ юзинг бор,
Үполмасам нетарман...

Ғамдек шириң севинчсан,
Кирк йигитта илинжсан.
Қиндан чиқмас қиличсан,
Чополмасам нетарман?..

Күк далада ётгандим,
Хаёлларга ботгандим.
Оғзимдаги оққандим —
Ютолмасам нетарман...

Чангимагин, тупроқ йўл,
Бўлгин менга ўртоқ, йўл.
Ёлғизбошман, ёлғизқўл,
Чополмасам нетарман.

Яқинлашгач уйимга,
Ўй қўшилар ўйимга,
Қайтай десам изимга —
Қайтолмасам нетарман...

Хотин очар эшикни,
Тутқазади бешикни,
Бола зўрми ё ишқми?..
Айтольмасам нетарман...

ТҮЙ КЕЧАСИ

Юзга упа сурмасдан,
Түлин бүлди Зебожон.
Үн саккизга кирмасдан,
Келин бүдди Зебожон.

Мен не дердим, нима дей?
олов эдик, щух эдик.
Зеби билан эринмай,
Үн ийл бирга ўқидик.

Эски мактаб, алвидо,
Хоналари тор эди.
Үртамиизда бир худо,
Бир сиёхцон бор эди.

Мен лапашанг, албатга,
Сўрамадим кўнглини.
Үн йил ўқиб бир марта
Ушломадим кўлини...

Ўлтирибман энди жим,
Кекса онам олдида.
Тўйга мен ҳам борардим,
Ёмғир ёғиб қолди-да!

КУВДОШЛИ УЙ

Муштипару мунглиғ сенсан,
Күзингда ёшлар шашкатор.
На бева, на қаллик еенсан,
Ойлар чиқиб, ойлар ботар.

Хох Кумуш бўл, хох бўл Зайнаб,
Бахтлиман деб айтолмайсан.
Кундошли уйда сен яйраб,
Яшолмайсан, яшолмайсан.

Бек бўлмаса чўпон — боринг,
Бағри-дилинг тўлсин экан.
Ғарид бўлса ҳамки ёринг,
Ўзингники бўлсин экан.

Кундошли уй вайронадир,
Ош ўрнига — айрон татир.
Кошонанг бўлса ҳам қаср,
Ғамхонадир, ғамхонадир.

Хох Кумуш бўл, хох бўл Зайнаб,
Бахтлиман деб айтолмайсан.
Кундошли уйда сен яйраб,
Яшолмайсан, яшолмайсан.

МУХАББАТ

Мухаббат, эй гўзал изтироб,
Эй қўхна дард, эй қўхна туйғу.
Кўкрагимга қўлингни тираб^
Юрагимни тўкиб қўвдинг-ку.

Қанча қўзлар менга зор эди,
На ғам, на андуҳим бор эди.
Кушдай енгил руҳим бор эди,
Чок-чокидан сўкиб қўйдинг-ку.

Не килардинг менга тегиб сен,
Енгилмаган эдим, енгиб сен,
Бошларимни ерга эгиб сен,
Қоматимни букиб қўйдинг-ку.

Сен мен учун бир хаёл эдинг,
Яхши бор ё яхши қол эдинг.
Жон керакми — мана ол энди,
Қийнар бўлсанг қийнаб тўйдинг-ку,

Билмам, нима эди мақсадинг;-
Менга бир жуфт гулинг асрадинг,
Бирин отин Кумуш атадинг,
Бирин исмин Зайнаб қўйдинг-ку.

Мухаббат, эй, гўзал изтироб,
Кўчанг кездим сарсон, довдираб,
Юзларимга юзларинг тираб,
Кўзларимни бойлаб қўйдинг-ку!..

\ НИМАҚИЛАЙ

Озодажон, ўзинг айтгин, озодмисан,
Дунё обод бўлмади, сен ободмисан,
Кўксимдаги севинчмисан, фарёдмисан,
Сенга Ойша библиарнинг баҳтин тилай,
Муҳаммадман — пайғамбармас, нима қиласай?

Ой юзингдан тўклилади номсиз охлар,
Бўйнингдаги садафми ё кўзмунчоқлар?
Кўйнинг туда бўлсин дейман қўзичоқлар.
Ўтсан дейман бир тўп боланг баҳтин тилай,
Ўзим бирор боласиман, нима қиласай?

Шириш-ширин қарашибаринг менга жаннат,
Менинг учуй сени яратганга раҳмат,
Юрагингни менга қаратганга раҳмат.
Балки менинг баҳтим сенсан, қайдан билай,
Сен арзанда, мен арзанда нима қиласай?

Онам айтар; ^у дунёда бола азиз,
Болам-ку бол, менга дарду нола азиз.
Сочларингдан тўкилган бир тола азиз,
Умрим ўтсин соchlарингни силай-силай,
Бир Машраби девонангман, нима қиласай?

Капалакцай айлан ўзинг бошлиримдан,
Узилмасин бармокларинг қошлиримдан,
Бино бўлдинг кўзимдаги ёшларимдан,
Ёрижоним, қандай йиғлаб, қандай кулай,
Жонни икки бўлиб бўлмас, нима қиласай?

НОНКУЛЧА

/

Ай, узун күйлакли, жамалаксоч киз,
Күнглим тушган эди күнгилчангизга,
Ёддами беғубор болалигимиз,
Құлым теккан эди камзулчангизга...

Биз қолдик. Болалик кетди югуриб,
Иккаламизни ҳам икки ён суріб.
Шеър топдим, зар топдим, зорим йўқ юриб,
Зор бўлсам — зор бўлдим томоғим куриб —
Сиз сувга ботирган нонкулчангизга.

Эшитдим, совчилар нон синдирибди,
Янгалар югуриб жон куйдирибди.
Суймаганингизни ҳам суйдирибди,
Арз қипсиз айвонда мусичангизга.

Биламан, Сиз узок умр кўрарсиз,
Балки сўрамассиз, балки сўрарсиз,
Худо берса бир кун ўзил кўрарсиз,
Мени ёмонламанг ўғилчангизл!..

ЯХШИ

Хурийд Давронга

Эй, дўстларим, дунёда
Ортда қолган из яхши.
Булбули йўқ баҳордан
Қумри тўла куз яхши.
Миннат тўла ҳалводан
Айвондаги муз яхши.
Ўпич курган паридан
Сепкил тошган юз яхши.
Ичмасанг ҳам қимиз зўр,
Кучмаса;нг ҳам қиз яхши.

Эй, дўстларим, дунёда
Ортда қолган ёд яхши.
Тўклигингда йўқлаган
Кариндошдан ёт яхши.
Унта номард дўстингдан
Битта чўлоқ от яхши.
Олисдаги олтиндан
Қучоқдаги гард яхши.
Вафоси йўқ хотиндан
Давоси йўқ дард яхши.
Ғаламис берган ғазнадан
Бурда арпа нон яхши.
Кирқта чала мулладан
Битта мусулмон яхши.

АЖАБ...

Чүпон бир құзини қўйса йўқотиб,
Лол бўлманг, ўзини қўйеа йўқотиб.
Хотинин уйғотиб, ўєлин уйғотиб,
Жониворин излаб килар тонготар...

Дехқон сигир сотиб қўйса — ииғлайди,
Уялиб, хафталаб уйдан чикмайди.
Тўпори кўнглига қил ҳам сиғмайди,
Гавхар йўқотгандек кайғуга ботар.

Дунёнинг ишларии ўйлаб бош котар:
Мудом тушунганлар қўкга тош отар.
Сотмайди юртини бирор отбокар,
Сотса зериккандан зиёли сотар!..

КҮНГИЛ ҚҰШИФИ

Боғда шабнам — бодага
Күнглимини бердим, дўстларим.
Бир гули озодага
Күнглимини бердим, дўстларим.

Дедилар: тенг-тенг билан,
Яқони ишқи енг билан.
Мен гадо хонзодага
Күнглимини бердим, дўстларим.

Ёр хуснин сўрганим йўқ,
Юзда холин қўрганим йўқ.
Кўздаги ифодага
Кўнглимини бердим, дўстларим.

Гоҳ бир йўқлаб кетади,
Йиғлатиб, йиғлаб кетади.
Баргман-у шаббодага
Кўнглимини бердим, дўстларим.,

Боғда шабнам — бодага
Кўнглимини бердим, дўстларим.
Бир гули озодага
Кўнглимини бердим, дўстларим.

ТОШКЕНТ

Офтоб туғилади сенинг қароғингда,
Тошкент, окшоминг-да фусункор.
Хар бир күчанг,
Хар бир япрогингда
Қодирийнинг ўйчан рухи бор.

Мехмандуст деб кимдар таъриф килмаган,
Ҳамма мактоворларнинг ўзинг адогисан.
Тошкент, сен миннатни билмаган устоз,
Ойбек нигохисан,
Ойбек кучоғисан.

Анхор бўйларида қумрилар ўйнар,
Шоир Ғафур Ғулом билган қумрилар.
Икки минг йил аввал Сағбонни излаб,
Хиндистонни ташлаб келган қумрилар...

Тошкент,
Она шаҳар,
Беҳад, бепоён —
Ўзбекистондаги энг баланд терак.
Аниқ таърифингни килмокқа баён
Улкан юрак керак,
Улка-ан юрак керак!

Сенинг кўзларингта термулиб юриб
Кўшиклар сўрайман — мен ҳам бир ўёлинг.
Тошкент,
Эй, миннатни билмаган устоз,
Бир умр тушмасин елкамдан қўлинг...

ОТА

Ота, түзәнгизни сув босиб кетди,
Чумчук вайрон қилди жұхорингизни.
Менинг китобларим бир жамбилбаргча
Ёзолмади хуморингизни...

Телевизорлардан жилмаймок нима,
Мен шеърлар ўқидим, күнглингиз тұлмади.
Оқшом оқ даладан бир боғлам сомон
Келтирган болача нафим бўлмади.

Қирқ йиллик осколка кийнади бир кун,
Сиз ётиб қолдингиз, бўлди керагим,
Учиб боролмадим самолёт бўлиб,
Ота, деб осмонга тегиб курагим.

Кейин сиз кетдингиз. Бу ёруғ дунё —
Тұполондарёни менга колдириб.
Сүнгти ўтингингиз айладим бажо,
Кўзларимни тўсган сочимни олдириб!..

Мехримни бошимга урайми энди,
Шеъримни бошимга урайми.
Менинг соғинчимни ютиб оғринмай,
Ёрилмай яшаган юрак-юракми?..

Ота, юзларимни сув босиб кетди,
Күжәш пайхон қилди күнглим гулзорин.
Менинг китобларим,
Менинг шеърларим —
Қадрингиз билмаган йилларим зори...

ХОРИЖДАГИ УЗБЕК ҚЎШИФИ

Қароғингман қанотлари қайрилган,
Бучуғинг 04 қароғингта, Туркистон.
Юрт қадрини бўйлар юртдан айрилган,
Айтмоғим бор кулоғингта, Туркистон...

Олма офтоб мисол сийлаб меҳринг-ла,
Жунжикканда исиндим қалб меҳринг-ла,
Симоб бўлиб сингиб кетай бағрингга,
Қайтмоғим бор кучоғингта, Туркистон.

Олиб кет деб күшларга ёлворайин,
Дардим айтиб ўзингта дил ёрайин.
Келгин десанг ўллар кечиб борайин,
Юзим босиб дудоғингта, Туркистон.

Юрагимдан бошланади изларинг,
Димоғимда колганрайхон исларинг.
Тушларимда Тошкент, Чустларинг,
Зорман бир кафт тупроғингта, Туркистон.

Ялангоёқ даштларингда чопмадим,
Кафтим қўйиб тандирда нон ёпмадим.
Дунё кезиб тенгу тараф топмадим
"Шашмақом"у "Ушшоғ"ингта, Туркистон.

Аждодларим ардоқдаган маскансан,
Бешигимга бир пайт тумор осгансан.
Жонимдан жой олган азиз Ватансан,
Кўз тегмасин хуш чоғингта, Туркистон!

ШЕРЬИМГА

Шукр, куним ўтмокца,
Орзу отли оламда,
Армон тўла ўглокча,
Жайрон тўла даламда.

Сўзdir сирли осмоним,
Менинг жону жаҳоним,
Сиёҳмас, томчи қоним —
Қаламдадир, қаламда.

Гарчи йўқлаб бормасман,
Насихатга зормасман.
Кўз когозда, хаёлим
Онамдадир, онамда...

Мен хаёлнинг мафтуни,
Маҳзунларнинг маҳзуни,
Кўролмаслар ҳар куни
Аламдадир, аламда.

Гарчи зўр иш бошлабман,
Девонаи Машрабман.
Захматларим якуни
Боламдадир, боламда.

ҚАЙДА БОР

Ёмғир ёғар шитирлаб,
Нурми, ипак толалар.
Баҳор келса к^ндырлаб,
Кирга чикар лолалар.
Лолалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор...

Күкни булат ўрайди,
Ерни ёмғир аллалар.
Райхон хидин тарайди,
Донга интиқ далалар.
Далалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор...

Саман йўрға ер чизиб,
Тошда омоч сирғалар.
Ок^р ойни оқизиб
Жилдир-жилдир жилғалар.
Жилғалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор...

Қалбга таскин изласанг —
Турғун чолни сўрагин.
"Тановар"ни тинглассанг
Сел бўлади юрагинг.
Наволар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор.

Қўринганни дуолар
Қилас бизда момолар.

Ғанимга ҳам омонлик
Тилар бизда момолар.
Момолар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор.

Бизнинг бўстон қайда бор,
Шохимардон қайда бор,
Сўлим Сурхон қайда бор.
Самарқанд нон қайда бор-а,
Ўзбекистон қайда бор?!.

АРМОН

Топмок — йўқотмокцир.
Йўқотмок — топмок:
Сен сўлиб,
Мен яшнаб,
Тўлишимга бок.
Сенсиз топганимдан
Қўпроқ йўқотдим —
Сен мени юпатдинг,
Сени йиглатдим.
Сен мени яратдинг.
Сени тугатдим.
Уялмай Она деб
Келишимга бок!..

Софинч ҳақда шеърлар
Ездим ўзимча,
Мендан — пешонангда
Доғлар тизимча.
Ўғлинг бўлмай ўлай,
Атганг, минг аттанг,
Киз туғсанг нетарди,
Қўпроқ қиз туғсанг!..
Тиргак бўлолмадим
Битта кизингча,
Уялмай шоирман
Дейишимга бок.

Жонингдан айланай,
Турғил, жонажон,

Йүл қараб бўлдими
Жигаргинанг қон.
Боқма қўзларимга
Бемажол, хаста,
Менинг топғанларим
Гулим бир даста,
Йўқотганим сенми
Энди, Онажон?..
Ўз этимни ўзим
Ейишимга бок.

Билсанг,
Юрагимни бир алам элар,
Буюрсанг, қўлимдан
Келмайди нелар.
Айт,
Пичан йигайми,
Ўтин ёрайми,
Ерни хайдайнинми,
Кўк ағдараими?..
Итдек оёғингта
Суйкалгим келар —
Учеб-учиб, мана,
Кўнишимга бок.

Хеч нарса керакмас,
Болам, ҳеч дейсан,
Энди кеч дейсан-де,
Энди кеч дейсан.
Юзимни босаман
Муздай юзингга,
Онажон,
Зор килиб кетма изингга!.

Үлим олдида хам
Фамимни ейсан.
Мен-чи, жим такцирга
Кўнишимга бок.

... Шеърим битди.
Хайр.
Дўстлар, хуш қолинг.
Бедил яшамакка
Ўрганманг мендек.
Боринг,
Волидангиз қўнглини олинг,
Эртага
Кеч қолиб,
Уртанманг мендек.

БИР КУНИ

Бир куни,
Бир алвон
Замон келади,
Замин узра
Омон-омон бўлади.

Ўн йилми.
Юз йилми ўтиб орадан,
Урушлар,
Низолар кетиб орадан,
Тўплар
Адирларда буғдой ўради,
Танклар
Далаларда пахта теради.

Миллатлар,
Элатлар,
Оқ тан, кора тан ~
Ҳаммаси
Ҳазрати инсон бўлади.

Оlam гулистон бўлади
Бир куни...
— Шоирлар-чи, бобо,
Шоирлар нима бўлади?
— Шоирларнинг шодликдан
Юраклари ёрилиб ўлади.

КУМУШ

Марғиловда Кумушни күрдим,
Күзига ёш түлиб турибди,
Сочларинимайдалаб ўриб,
Отабегни излаб юрибди.

Тонгда туриб қалам қошига
Ўсма қўйган экан — қурибди.
Кўздан оқкан аччиқ ёшига,
Ўсмасини ювиб турибди...

Мени бир ўй қийнади ёмон,
Яна юрак ўйнади ёмон.
Кўйвор, замин, кўйвор, осмон,
Мен уйимга етаман қачон?

Учиб келдим уйимга омон,
Бешёғочда гуллабди ўрик...
Тошкентга киз берма, Марғилон
Қодирий йўқ, Зайнаблар тирик.

Отам ўгитларин унутмокцаман,
Унутяпман секин, ўзимни оклаб,
Сен кимнинг ўелисан? Кимнинг ўелисан?
Ортимда иймоним юрап сўроқлаб...

Мен кимни алдадим. Илк ёлғонларим,
Сохта табассумим кимга аталди?
Менга шухрат тутган хушомадларим
Отамнинг қабрига тиғдай қадалди.

Отам ўгитларин унутмокдаман, '
Уиутяпмаи озгин юзи, қўлларини,
Тер хиди анқиган бекасам чопон,
Кетмони, яктаги ямокларини.

Толеидан мумнун жуфти халолим,
Тилла тишларини кўрсатиб кулар.
Менинг кўнглим билан иши йўқ сира,
Суратимни излаб китоб титкилар.

Мен эса отамни унутмокдаман...

МҮМИНЖОН

Мүмин сувчи
Ғўзага сув тараб юрар,
Иш пайти юраксан ишлаб,
Яйраб юрар.
Буш пайти ғишиш қуишишга хам
Яраб туар.
К^^щ пайтида шийпонга хам
Қараб туар...

Мүмин дэхкон —
Далададир куни билан,
Ғўзасига
Парвонадир куни билан,
Офтоб таниш,
Танададир куни билан...
Шериклари
Панададир куни билан.
Шериклари —
Пихин ёрган маёт туялар.
Мүминжондан кулишади;
Содда одам!..
Мүминжонни килишади асқиялар.
Мүмин сувчи
Вир кун оғриб қолди, товба,
Қорнин ушлаб,
Уйига йўл олди зўрга,
Тут суюди,
Тол суюди,
Хотинининг олдига етволди, зўрга.

Мүмии дехкон.

Мүмин ЭНДИ... ногирон чол.

Күзига тик каролмайди Йўламатол!

Не бўлди, деб сўролмайди Йўламатол,

Мүмин бутун Марҳаматга тирик савол!

Мүмин ЭНДИ ғўзага сув тарамайди,

Иш пайти юрақсан ишлаб яйрамайди.

Буш пайти гишт қуишишга ҳам ярамзайди,

Кдлш пайтида шийпонга ҳам қарамайди...

ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИ

Ухламайди тунлари,
Ой нурлари таралган.
Ўзбекнинг хотинлари
Фарзанд учун яралган.

Йилдан узун кунлари,
ВСим қўнглини сўролган.
Ўзбекнинг хотинлари
Мехнат учун яралган.

Кирқ йил киргйн бўлса ҳам
Ўз ахцида туролган.
Ўзбекнинг хотинлари
Токат учун яралган.

Ёт олдидан сал нари
Қачон кокил ўролган?
Ўзбекнинг хотинлари,
Иффат учун яралган... ~

Ўзбекнинг аёллари,
Ўзбекнинг хотинлари,
Сувдан ҳалол,
Гулдан пок,
Кўллари олтинлари,
Қай томонга бурса юз,
Йўллари олтинлари —
Иzzат учун яралган!

яхши БОЛА

X. Сабдиевга

Боғчасига кеч қолмаса — яхши бола,
Мактабда "икки" олмаса — яхши бола,
Институттада курсда қолмаса — яхши бола,
Хеч кимга гап қайтармаса — яхши бола...

Билим бурса ҳам билмаса — яхши бола,
Кўриб турса ҳам кўрмаса — яхши бола,
Ходимга иш буюрмаса — яхши бола,
Бошликни танқид қилмаса.— яхши бола.

Ўз баҳтини ўйламаса — яхши бола,
Қиз бор уйга бўйламаса — яхши бола,
Қуймаса-аччиғламаса — яхши бола,
Севганда қон йиғламаса — яхши бола.

Тухматчига тик бокмаса — яхши бола,
Ёлғон тинглаб тутақмаса — яхши бола,
Қоғозбозга индамаса — яхши бола,
Пораҳўрни кийнамаса — яхши бола.

Яхши дейсиз яна қандай ўргокларни?
Яхши дейсиз — гоҲида сиз қўркокларни!
Мен қўряпман майсадаги титрокларни.
Улар босиб келаверса ўтлокларни...

Яхши бола. Яхши бола. Яхши бола.
Мен эса бир ёмон қайсар баҳши бола.
Бундайларни қўргани хеч кўзим йўқцир,
Бундайларга айтадиган сузим йўқдир.

Факат сенга бир сузим бор, доно халқим, I
Факат сенга бир тиляқ, эй. Она халқим,
Үнилі құрсанғ у "шумболангдек" шүх бўлсин,
Кўзларида чакнаб турган бир чўғ бўлсий!

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИ

Кўнгил маъюс тортди йилнинг сўнгида,
Билмам, ниманг билан сеҳрладинг, кор.
Бугун куппа-кундуз кўзим ўцгат
Яна бир ёшимни ўғирладинг, кор.
Қирқинчи қасримга ўтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди.

Баҳорим етгудек қўлим узатсам,
Етолмай дилимни не деб юпатсам.
Лайлак кор, азизим, ғалат байрам бу —
Кулиб кузатсамми, йиғлаб кузатсам.
Дардим жим ичимга ютайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди.

Сўрсанг, севинчимдан ўқинчим кўпроқ,
Сендан-да кумушроқ сочимдаги ок.
Йилим келмай туриб, йилим кетмоқца,
Кўзда табассум-у киприқда титроқ.
Мен ҳам сал шошдим-да, кайтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди.

Янги йил!
Келавер қандай келсанг ҳам,
Кимлар етди сенга, кимлар етмади.
Сен янги йўлдошсан, сен янги ҳамдам,
Йўқлаб келганингнинг ўзи бир байрам.
Кулоғиигта бир гап айтайми, энди,
Кечаги ёшлигим эртакми, энди...

МЕХРИ

Барча оддий узбек аё'лларига

Мехри, мўминлигицг зийнатинг бўлди:
Ўзинг ҳам билардинг, суймасдим сира.
Кўнглим айвонига қўймасдим сира,
Бағримни илитган — меҳнатинг бўлди.

Сенинг бор давлатинг шу оддий исм,
Сенда на жозиба, сенда на хусн.
Меҳнат кишисида қомат не қилсин!..
Кўркинг — кўзинг тўла хасратинг бўлди.

Мен шеърга қароғим нурини сотдим,
Қанча ёзсан шунча гунохга ботдим,
Сени ўтдан олиб, сувларга отдим,
Мулкинг — тоғдек сабру токатинг бўлди.

Бир худо бўлди, бир сен — меҳрибоним,
Мен-чи, бир ширин сўз айтдимми, жоним,
Бир кун қўлимда гул кайтдимми, жоним?..
Ҳамиша тилингда новвотинг бўлди.

Билдимки, сенингиз йўқ менинг эртам,
Билдимки, сенсиз йўқ баҳт менга, эркам,
Жонингдан айланай, кел энди сен ҳам,
Одамдай яшагин, навбатинг бўлди!

МАДХИЯ

*Умумий ўрта таълим ўқув фанлари бўйича
ўтказиладиган ўқувчилар олимпиадаси
ролибларининг мадҳияси*

Алп ўғлонлар ўлкаси бу қўхна ТуроН
Қалқонлари, канотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлоддари, илм истанг!..

Таҳтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган
Аждодингиз уй кўрмаган — Давлат курган.
Юрти учун елкасида тоғлар сурган
Рустамлари, Фарҳоддари, илм истанг.
Кўз очганда кезиб етти баҳри уммон.
Етти тилда сўзлашган биз тили бийрон.
Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон —
Бобурлари, Бехзодлари, илм истанг.

Ҳак йўлида Сиз илмнинг умматлари,
Халқ йўли хидояти, химматлари,
Мадад бўлсин Яссавийнинг хикматлари,
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.
Ихлосингиз, шаҳдингиздан шиддат ёғсин —
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..
Алп ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,
Эркли элнинг канотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг.

ОНАЖОНИМ

Саҳарданок чархпалакдай айланасиз,
Бир иш битса бошқасига шайланасиз.
Онагинам, айтинг қачон дам оласиз,
Шунча ишга қандай стар кудратингиз,
Онаジョンим, қачои битар меҳнатингиз?..

Қўлингиздан ўпсам нонни иси келар,
1даинг ЭНДИ, меҳрибоним, энди бўлар —
Келинингиз ўз боласин ўзи белар.
Шунча бўлар бир келинга хизматингиз,
Онаジョンим, қачон битар меҳнатингиз.

Ой ботмай хеч ўрнингизга ётмадингиз, ,
Кузи билан боғда олма қопладингиз.
Ўрик пишиб тугаб кетди — тотмадингиз,
Ўзимга деб бир бош узум узмадингиз,
Онаジョンим, қачон тугар меҳнатингиз.

Дўстларим-а, қўйинглар бу дунёларин,
Онасизга тутмайди нур-зиёларин,
Тиригида олиб қолинг дуоларин,
Армон қилманг эрта етмай фурсатингиз,
Элга хизмат — онангизга хизматингиз!

МУНДАРИЖА

Узингдан қўймасин, ҳалким!	3
Ифтихор	4
Булбул	5
Севги садоси	6
Мехр колур	7
Ўзбекистон	8
Ўзбекмомо	12
Халқ бўл, элим	13
Онамта хат	14
"Шеърият"	15
"Хўрсинасан билдиrmай..."	16
Жайрон	17
Орзу	18
Мактуб	19
Биби	21
"Бисотимни боғда бир ҳалол"	23
Хаёл	24
Оддий муаллим	25
Эрка кийик	27
Марсия	28
"Кўнглим шодлигига..."	29
Севги бу	30
Дунёбу	31
Ҳеч кимга бермаймиз	32
Будойпоялар	33
Муножот	35
Шоир орзуси	37
Дунё	38
Чўлпон	39

Ойнома.....	41
Машраб хиргойиси.....	42
Қадаҳсүз.....	43
Насиба.....	45
Оқкүчкор.....	46
Шукр дейсан сен қачон?.....	48
Иймон құшиғи.....	50
Отажонлар.....	51
Халқона.....	52
"Севгам менинг, мен билмадим...".....	53
Биз баҳтили бұламиз.....	54
Рух тұтиси.....	56
Менинг әртагимсан.....	57
Гүзіллар.....	58
Темурбек.....	59
Ёлғончи ёр.....	60
Үтінч.....	61
Ота уй.....	62
Ҳазил.....	64
Муддао.....	65
Үлан.....	66
Сувпари.....	67
Йиғлаб туриңг.....	68
Мен биттадурман.....	69
Зеби, Зеби.....	70
Нетарман.....	71
Түй ке'гаси.....	72
Кундошли уй.....	73
Мұхаббат.....	74
Нима қилай.....	75
Нонқулча.....	76
Яхши.....	Г.....
Ажаб.....	77
Күнгил құшиғи.....	78
	79

Тошкент.....	80
Ота.....	81
Хориждаги узбек қўшини.....	82
Шеъримга.....	83
Қайда бор.....	84
Армон.....	86
Бир куни.....	89
Кумуш.....	90
"Огам ўгитларин...".....	91
Мўминжон.....	92
Узбекнинг аёллари.....	94
Яхшибола.....	95
Янги йил кечаси.....	97
Мехри.....	98
Мадхия.....	99
Онајоним.....	100

ШЕРІЯТБҮСТОНИ

Адабий-бадиийнашр

МУҲАММАД ЮСУФ

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ

Шеърлар

Мусаввир А. Кива

Бадиий мухаррир А. Бобров

Техник мухаррир Т. Смирнова

Клчик мухаррир Н. Фозилова

Мусахих М. Насриддинова

ИБ№3820

Босишига 20.04.2000 й. да руҳсат этилди. Бичими УОқЭО/з.
Гаймс гарнитураси. Офсет босма. 3,8 шартли босма тобок. 3,2 нашр
босма тобоги. Жами 3000 нусха.

|| 08 ракамли буюртма. 33-2000 ракамли шартнома.
Бахоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур
Фулом номидаги Аяабиёт ва санъат нашлииёти. 700129, Тошкент,
Навоий қўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағон кўчаси,
1-берк куча, 2-йи.